



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

Филиал ташкил қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланган
**«ТИББИЁТДА МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»**
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами.



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ
УРГЕНЧСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

**«ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ МАЛОИНВАЗИВНЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ В МЕДИЦИНЕ»**

Материалы Международной научно-практической конференции
посвящённой 30 летию основания филиала

Тахририят хайъати:

Редакционная коллегия:

Шадманов А.К., Исмаилов У.С., Рузибаев Р.Ю., Абдуллаев Р.Б., Батиров Д.Ю.,
Юлдашев Б.С., Хаджиев Д.Ш., Сапаев О.Қ., Юсупова М.А., Матризаева Г.Дж.,
Авезов М.И., Машарипов О.О., Сапаева Ш.А., Сатликов Р.К., Мадримова А.Г.,
Ходжаниязов А.А., Хаджиева Н.М.

**ТТА Урганч филиали
Кенгаши томонидан 2022 йил
27 августда чоп этишга
тавсия этилган, (1-сон
баённома)**

Ушбу илмий ишлар тўпламида тиббиёт олий ўқув юртлирида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар бажараётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрин олган. Тезисларнинг мазмуни ва улардаги хатоликлар учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

В сборник научных трудов вошли результаты научно-исследовательских работ, проведенных профессорско-преподавательским составом медицинских ВУЗов. Тезисы не рецензируются. За содержание и достоверность указанной информации ответственность несут авторы.

29-30 сентябрь 2022 йил. Урганч. Ўзбекистон

muassasalari oldiga mavjud darajasini oshirish va takomillashtirish vazifasini qo'yadi. Bu orqali ta'lim tizimini yanada rivojlantirishga, iqtidorli yoshlarni kashf qilishga hissa qo'shishi shubhasiz.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, ta'lim turizmi doimiy yashash joyidan uzoqda bo'lgan, ta'lim va tarbiya uning safarining asosiy yoki ikkinchi darajali sababi bo'lgan, ammo bo'sh vaqtdan foydalanishning muhim usuli sifatida qabul qilingan shaxsning faoliyati sifatida qaralishi mumkin. Bugungi kunda dunyoda sayyohlikning butun "sanoati" insonning madaniy ehtiyojlarini ro'yobga chiqarish shakllarining keng xilma-xilligi bilan ajralib turadi: estetik, sog'lomlashtirish, ta'lim olish va boshqalar. Biroq, turizmni tashkil etishning mavjud shakllarining muhim madaniy salohiyatiga qaramasdan, uning sezilarli darajada o'sishi uchun imkoniyatlar tugamaydi, bu esa yangi turizm zaxiralari bo'yicha yuqorida ko'rsatilgan ma'lumotlar bilan tasdiqlanadi

Adabiyotlar:

1. Abdurazzakova, Y.M. Zamonaviy xalqaro turizm: tendentsiyalar va istiqbollari 2010 yil.
2. Reisinger, Y. va F. Mavondo: "Yoshlar sayohat bozorlarining turizm haqidagi tasavvurlarini belgilovchi omillar".
3. Zamonaviy fan va ta'limning dolzarb muammolari: xalqaro ishtirokida Butunrossiya ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. 2010 yil.
4. Artamonova, E. I. "Akademik harakatchanlik Rossiya universitetlarining jahon oliy ta'lim tizimiga integratsiyalashuvi vositasi sifatida".

ОРОЛ БУЙИ МИНТАҚА АҲОЛИСИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ХОЛАТИ

Искандарова Г.Т., Шеркўзиева Г.Ф., Асенбаева Т.А., Курбаниязова М.О.,
Даулетбаева Н.Н.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз борганда минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёрада аҳолининг йиллик ўсиш кўрсаткичи 95 миллионни ташкил этади. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ер аҳолиси 3 каррага кўпайган даврда чучук сувдан фойдаланиш ҳажми 17 мартага ортган. Чучук сув етишмовчилиги муаммоси Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. Сув танқислиги муаммоси бўлган мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон 25-ўринни эгаллайди. Сўнгги 10 йилда Ўзбекистонда сув захиралари 12 фоизга, жорий йилда ўтган йилги билан солиштирганда 15 фоизга камайган. Орол денгизининг суви чорак аср мобайнида 15 мартадан зиёдга камайиб, сув сатхи 29 метрга пасайган, ҳудудда 5.5 миллион гектар тузли қум майдони ҳосил бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сайлов олди дастурининг асосий йўналишлардаги рақамларда акс этилган аниқ вазифаларида 9 минг/ км ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та қудуқ ва 3 минг 600 та сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш, қўшимча 3.2 млн аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 % дан 84 % га етказиш кўзда тутилган. Чунки, аҳоли ўртасида турли юқумли ва эндемик касалликларни олдини олиш ва экологик барқарорликни таъминлаш ичимлик сувига қўйиладиган гигиеник талаблар муҳим рол ўйнайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳолига берилаётган қудуқ сувини 2017-2021 йиллар динамикасида сифатини санитар бактериологик ва санитар кимёвий текширдик ва қуйидаги натижаларни олдик; санитар кимёвий текширишлар учун 2017 йил умумий намуналар сони 25та бўлиб, улардан 24 та, 2018 йил умумий намуналар сони 64та бўлиб, улардан 58 та, 2019 йил умумий намуналар сони 61та бўлиб, улардан 55 та, 2020 йил умумий намуналар сони 41та бўлиб, улардан 25 та, 2021 йил умумий намуналар сони 63та бўлиб, улардан 42 та гигиеник талабларга жавоб бермаган. Санитар бактериологик текширишлар учун 2017 йил умумий намуналар сони 22та бўлиб, улардан барчаси

гигиеник талабларга мос келган , 2018 йил умумий намуналар сони 35та бўлиб,улардан 4 та , 2019 йил умумий намуналар сони 31та бўлиб,улардан 8 та , 2020 йил умумий намуналар сони 30та бўлиб,улардан 2 та, 2021 йил умумий намуналар сони 51та бўлиб,улардан 14 та гигиеник талабларга жавоб бермаган Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатадики сувнинг кимёвий кўрсаткичлари буйича барча кузатув йилларида гигиеник талабларга мос келмаган намуналар мавжуд.

ТУПРОҚ МУҲИТИНИ ГЕЛЬМИНТОЛОГИК ИФЛОСЛАНИШ ХОЛАТИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Искандарова Г.Т.,Шерқўзиева Г.Ф., Асенбаева Т.А.,
Курбаниязова М.О.,Даулетбаева Н.Н.
Тошкент тиббиёт академияси,Тошкент

Ўзбекистонда 14 дан ортиқ тупроқ турлари учрайди. Шулардан 26,4 фоизини ўтлоқи тупроқлар, 24 фоизини оч тусли бўз тупроқлар, 16,2 фоизини ҳақиқий бўз тупроқлар, 6,6 фоизини бўз-ўтлоқ тупроқлар, 8,3 фоизини тақир ва ўтлоқ-тақир тупроқлар қолганини тўқ тусли бўз тупроқлар ташкил қилади.

Бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра Осиё, Африка ва Лотин Америка давлатларининг 90% аҳолиси паразитар касалликлар, хусусан острица, лямблилар, аскаридоз ва теннидлар ушбу кассалikka чалинган. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида паразитар касалланиш ҳолати муҳим долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки инсониятда учрайдиган касалликлар ўртасида энг кўп тарқалгани гельминтозлар ҳисобланади. Аҳоли ўртасида паразитар касалликларни профилактикаси бир қанча омилларга, хусусан ушбу соҳада яратилган қонунчилик, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, самарали даволаш ва соғломлаштирувчи чора-тадбирларни тўғри ва ўз вақтида қўллашга боғлиқ, шу билан бирга атроф муҳит омилларининг гельминтологик ифлосланиш ҳолати ҳам ушбу касалликнинг аҳоли ўртасида тарқалишига сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Айниқса тупроқ муҳитини ифлосланиш ҳолатини доимий назорат қилиб бориш ва ифлосланишни олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз аҳоли турар жойларидаги тупроқ муҳитини гельминтологик ифлосланиш ҳолатини 2017-2021 йиллар динамикасида тахлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик.

2017 йил умумий текширилган намуналар сони 1837 та бўлиб, улардан 6 таси(032%), 2018 йил умумий текширилган намуналар сони 2515 та бўлиб, улардан 5 таси(019%), 2019 йил умумий текширилган намуналар сони 2485 та бўлиб, улардан 9 таси(0,36%) 2021 йил умумий текширилган намуналар сони 787 та бўлиб, улардан 9 таси(1,14%) гигиеник талабларга жавоб бермаган, аммо 2020 йили олинган барча намуналар гигиеник талабларга жавоб берган

Юқорида олинган текшириш натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкин, аҳоли ўртасида паразитар касалланиш ҳолатини камайтиришда шахсий гигиенада қатъий риоя қилиш ва ташқи муҳитни хусусан тупроқни гельминт тухумлари билан ифлосланишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ўстириш ва гигиеник чора- тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади.

YOSHLAR TURIZMINING ZAMONAVIY PEDAGOGIK IMKONIYATLARI.....	415
<i>Ibragova V.A.</i>	<i>415</i>
ОРОЛ БУЙИ МИНТАҚА АҲОЛИСИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ХОЛАТИ.....	417
<i>Искандарова Г.Т., Шерқўзиева Г.Ф., Асенбаева Т.А., Курбаниязова М.О., Даулетбаева Н.Н.</i>	<i>417</i>
ТУПРОҚ МУҲИТИНИ ГЕЛЬМИНТОЛОГИК ИФЛОСЛАНИШ ХОЛАТИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ.....	418
<i>Искандарова Г.Т., Шерқўзиева Г.Ф., Асенбаева Т.А., Курбаниязова М.О., Даулетбаева Н.Н.</i>	<i>418</i>
METABOLICALLY HEALTHY PHENOTYPES OF OBESITY AND KIDNEY FUNCTION IN THE SOUTHERN ARAL SEA REGION.....	419
<i>Islomov I.I.¹, Gadayev A.G.²,.....</i>	<i>419</i>
SOG‘LOM TURMUSH TARZI MUAMMOLARI	419
<i>Ismailov K.Y.</i>	<i>419</i>
ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИ.....	420
<i>Кенжаева Н. Қ., Умиров С.Э., Юсупов Ш.Р., Мадримова К. К., Абдуллаева Д.К.</i>	<i>420</i>
ГИЁҲВАНДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТЛИ КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ЧАСТОТАСИ	421
<i>Кенжаева Н.Қ., Юсупов Ш.Р., Абдуллаева Д.К., Умиров С.Э., Мадримова К. К.</i>	<i>421</i>
СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ РАБОТНИКОВ ОПАСНЫХ ПРОИЗВОДСТВ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ	422
<i>Курсанов А.Н., Margaret Maltz.....</i>	<i>422</i>
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОБЛЕМЫ ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА.....	424
<i>Курсанов А.Н., Margaret Maltz, Комарова М.Е., Батаков В.Е., Медведев А.В.</i>	<i>424</i>
К НОВОЙ СТРАТЕГИИ УКРЕПЛЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ .	427
<i>Курсанов А.Н., Столяров М.М., Margaret Maltz, Комарова М.Е., Медведев А.В., Батаков В.Е.</i>	<i>427</i>
ШАХС МЕНТАЛИТЕТИ ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ.....	430
<i>Курбаниязова Р.К.</i>	<i>430</i>
ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМЛАРИ ҲАМШИРАЛАРИ КАСАЛЛАНИШНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	432
<i>Маматкулов Б.М., Собирова С.Ж., Ўразалиева И.Р.</i>	<i>432</i>
ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МУАССАСАЛАРИ ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ ҲАМШИРАЛАРИ МЕХНАТ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЭСКПЕРТ БАҲОЛАШ ТАҲЛИЛИ	433
<i>Маматкулов Б.М., Собирова С.Ж., Ўразалиева И.Р.</i>	<i>433</i>